

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Самарқанд шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги
тадбиркорлик субъектларини рўйхатга
олиш инспекцияси

2014 йил “02” *декабрь*
11945 - рақам билан



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI” ochiq aksiyadorlik
jamiyati aksiyadorlarining

2014 йил 24 октябрдаги навбатдан
ташқари умумий йиғилиши
томонидан

**“SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI”**

aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлик фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти;

лотин алифбосида - “SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI” aksiyadorlik jamiyati;

Рус тилида:

акционерное общество “Самаркандское предприятие территориальных электрических сетей”;

1.4. Жамиятнинг қискартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - “Самарқанд ХЭТК” АЖ;

лотин алифбосида - “SAMARQAND HETK” AJ.

Рус тилида:

АО “Самаркандское ПТЭС”.

1.5. Жамият “SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI” ochiq aksiyadorlik jamiyati ҳуқуқларини қабул қилувчи ворис ҳисобланади ва унинг мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

1.6. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлик ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалок муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.9. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.10. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.



1.11. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.13. Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

1.14. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.15. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

1.16. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди ва жамият қузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

1.17. Жамият ўзининг юридик манзилдан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

1.18. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг ҳўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш кўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.19. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.20. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Индекс: 140108.

1.21. Жамиятнинг электрон почта манзили: 1718asu@inbox.uz.

1.22. Жамиятнинг расмий веб-сайти: samarqandhet.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятдан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишдир.

2.2. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- электр энергиясини истеъмолчиларга тарқатиш ва уларга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва "O'ZBEKENERGO" ДАК томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича сотиш ҳисобига фойда (даромад) олишдир;
- электр энергиясини шартнома асосида ягона сотувчисидан сотиб олади;

- белгиланган тартибда электр таъминоти корхоналарига истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномалари тузиш ҳуқуқини амалга оширадиган бош ишончномани беради;

- истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергиясини сотишни амалга оширади;

- истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлайди;

- ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради;

- техник жиҳатдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

- ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- электр энергиясини истеъмол килувчи электр қурилмаларини белгиланган тартибда ҳудудий электр тармоқларига улаш учун истеъмолчиларга техник шартларни беради;

- шартнома ва лимитларга биноан истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш;

- жамиятнинг иқтисодий ривожланишини, ишлаб чиқаришнинг кам харажатлар кетказиб катта самарадорликка эришишни таъминлаш;

- жамият электр тармоқларига истеъмолчилар электр қурилмаларининг уланиши ва уларга риоя этилишини кузатиш бўйича техник шароитларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

- энерготизим фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган электр тармоқлари керакли тарзда ишлаши ва ривожини таъминлаш;

- кўрсатилаётган хизматларга, уларни амалга ошириш учун кетган иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатлардан келиб чиқиб нарх ва тариф лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ташки иқтисодий фаолият юритиш;

- жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин;

- жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хусусий операторларга туман, шаҳар доирасида электр энергиясини сотишнинг айрим масалаларини топшириши мумкин.

2.3. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва жамият олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида у қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз номидан шартнома, битимлар тузиш, шу жумладан чет эл инвесторлари, етказиб берувчилари билан, мулк ҳуқуқларига эга бўлиш ва бурчларни бажариш, судда даъвогар бўлиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган унинг ҳудуди ва унинг ташқарисида хўжалик ва учламчи тартибда, даъвогар бўлиш;

- шартнома асосида мутахассисларни, шу жумладан чет эл мутахассисларини жалб қилиш;



- ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштириш, ривожланиш истикболини белгилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш ва акциядорлар, ҳамда меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий даромадини ошириш йўллари белгилаш;

- мулк сотиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчма ва кўчмас мулкларни ижарага бериш;

- белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай ҳисоб рақамларини очиш, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини, ссуда ва банк кредитларини олиш, қонунчиликга мувофиқ ҳар хил тўлов шакллари бериш ва ақцептлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва жойлаштириш;

- ўз балансидан мустақил равишда мулк, қарз, қамомат ва бошқа йўқотишларни рўйхатдан чиқаришни амалга ошириш, истеъмолчиларни жамият электр тармоқларига уланиши учун техник шароитларни ажратиш ва мувофиқлаштириш;

- ижтимоий-маиший ва алоқа хизматларини кўрсатиш;

- анжуман, конференция, кўргазма, тендер ва кўрик-танловларни уюштириш, ўтказиш ва иштирок этиш;

- реклама фаолиятини амалга ошириш;

- жамиятнинг бошқа қорхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчилиги доирасида тузилади.

2.4. Жамият, ўз фаолиятини бажариш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг июнидаги 150-сонли “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси бўйича электр тармоқларида янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш ва ўзлаштириш.

2.5. Электр таъминоти қорхоналари туман, шаҳар, ишлаб чиқариш ҳудуди доирасидаги истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи бўлинмаларидир.

Электр таъминоти қорхоналари:

- истеъмолчиларнинг белгиланган тартибда киритган таклифларига мувофиқ электр энергиясининг ойлик шартномавий истеъмоли ҳажмларини шакллантиради;

- техник жиҳатдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

- ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- электр таъминоти қорхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият билан шугулланиши мумкин.

2.6. Жамият ўз фаолиятини амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибда амалга оширади. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.



III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 9 088 790 000 (Тукқиз миллиард саксон саккиз миллион етти юз туксон минг) сўми ташкил этади. У хар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 175 500 дона имтиёзли ва 8 913 290 дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.5. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.6. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.7. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1000 сўм бўлган 175 500 дона имтиёзли ва 5 027 090 дона оддий акциялардан иборат.

3.8. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.9. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.10. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.11. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

3.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги 294-сонли қарорига асосан 2010-2014 йиллар якунлари бўйича “O’ZBEKENERGO” DAK ва давлат улушига ҳисобланган дивидендларнинг “2011 - 2015 йилларда кам қувватли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастури”ни молиялаштириш учун йўналтирилган қисми доирасида қўшимча чиқариладиган акциялар “O’ZBEKENERGO” DAK ва Самарқанд вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси уртасида ёпик обуна қилиш усули билан жойлаштирилади.

Жамиятнинг устав капитални камайтириш

3.12. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайрилиши мумкин.

3.13. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

3.14. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият номинал қиймати 1 000 сўм бўлган оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир.

4.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

4.4. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига акциялар номинал қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.5. Жамият имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар қуйида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки қўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки қўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда.

4.6. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулкларни тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.7. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига қўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.8. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.9. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи



натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

4.10. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ой натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.11. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.12. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

4.13. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондиди ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тuzилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорда ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи - Директор.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.



7.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйдагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлласлик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлласлик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай конун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.7. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайландилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини **чақириш**, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни **белгилаш**;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун **жамият** акциядорларининг реестрини шакллантириш санасиёни белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги **таҳрирдаги** уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши **ҳал қилиши** учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг **келгуси** йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида **жорий** йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, **шунингдек** ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан **эркин** фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат **мақсадларида** фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига **тўланадиган** ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига **тўланадиган** ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни **тўлаш** шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан **фойдаланиш**;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- жамият ижроия органи раҳбарининг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштираётганда қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози

билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи - Директор томонидан амалга оширилади.

9.2. Жамият директори, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.3. Жамият директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳақдирда жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифасини жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

9.4. Жамият директори жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.5. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.6. Жамият директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.7. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.8. Жамият директорининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- мазкур Устав ва жамият кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиши;

- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштиради;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- штатларни белгилайди, жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

9.9. Жамият директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.10. Жамият директори қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

9.11. Жамият директори мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайтайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- жамиятнинг барча хизмат хоналарига тўсиқсиз кириш;
- молиявий ҳужжатларни ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини текшириш;
- бухгалтерия ва статистик ҳисобларни амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- молиявий - хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган норматив, қондаларга ва давлат стандарларига риоя қилинаётганлигини текшириш;
- жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, унинг тўлов қобилиятини, тугатилишини, ўзининг ва заём маблағларини нисбатини, жамиятнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига резервларни таъсирини таҳлил қилдиш;
- солиқ инспекцияси, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, ҳисобот ҳужжатларни тўғрилигини текшириш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қарорлар жамиятнинг ҳужжатларига, яъни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига тўғри келмасликлари аниқланганда тақлифлар киритиш.
- иш жилдларидан айрим ҳужжатларни олиш (иш жилдларида ҳужжатлар олинishi тўғрисидаги далолатнома ва олинган ҳужжатлар нусхаларини қолдириш), агарда текширув мобайнида қалбакилаштириш, сохталаштириш ёки бошқа сунъетъ-молчилик ҳолатлари аниқланадиган бўлса:
- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия

аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;

- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларига аниқланган қоидабузарликлар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш, агарда бундай чораларни кўрмаслик қимматликларнинг, ҳужжатларнинг йўқ бўлишига ёки келгусидаги суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлса;

- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини, жамият кузатув кенгаши мажлисларини ўтказилишини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда талаб қилиш;

- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият алоҳида бўлинмалари ва жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларидан Тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини текширилишини ўтказиши учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

- жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига жамият ходимлари, шу ҳумладан жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига нисбатан агарда улар томонидан жамият Устави ва жамият ички ҳужжатлари қоидалари бузилган бўлса, нитизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишга киритиш.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

10.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низомда белгилаб қўйилади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва қелишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро қелишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва қелишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қучга қиради.



Рақамланган, тикилган ва муҳрланган.

Жами 14 варақдан иборат.

Директор

Г. Т. Примов



